

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 791-ҳадис

791 - وَعَنْ أُمِّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الَّذِي يَشْرَبُ فِي آيَةِ الْفِضَّةِ إِنَّمَا يُجْرَجُ فِي بَطْنِهِ نَارَ جَهَنَّمَ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 5634، م 2065].

وَفِي رِوَايَةٍ لِمُسْلِمٍ: «إِنَّ الَّذِي يَأْكُلُ أَوْ يَشْرَبُ فِي آيَةِ الْفِضَّةِ وَالذَّهَبِ» [2065].

وَفِي رِوَايَةٍ لَهُ: «مَنْ شَرِبَ فِي إِنَاءٍ مِنْ ذَهَبٍ أَوْ فِضَّةٍ فَإِنَّمَا يُجْرَجُ فِي بَطْنِهِ نَارًا مِنْ جَهَنَّمَ» [2065/2].

791. Умму Салама розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

**«Кумуш идишларда ичаётган одам қорнида жаҳаннамнинг оловини қулқуллаган бўлади»,** дедилар.

*Муттафақун алайҳ.*

Имом Муслимнинг ривоятида: «**Тилла ва кумуш идишда ичувчи ва овқатланувчилар...**» бўлиб келган.

Имом Муслимнинг бошқа ривоятида: «**Ким тилла ёки кумуш идишда (сув) ичса, қорнида дўзах оловини қулқуллади**», дейилган.

**Шарҳ:** Уламо аҳли ичимликларни ичиш одоби ва унга боғлиқ барча далил ва ҳужжатларни синчиклаб ўрганиб чиққанларидан кейин жумладан қуйидаги мулоҳазаларни айтганлар;

1. Ҳаромлигига далил қоим бўлмаган барча ичимликларни ичмоқ жоиздир.

2. Инсоннинг ўзи ёки баъзи аъзоси ҳалок бўлишини олдини олишга ва вожиб амалларни адо этишга зарур бўлган ичимликни ичиш вожибдир.
3. Ҳожатини қондирадиган ва чанқоғини қондирадиган даражада ичиш мандубдир.
4. Ҳожатидан зиёда ичиш гоҳида макруҳ, гоҳида ҳаром бўлади.
5. Ичимлик ичишдан олдин «бисмиллаҳи»ни айтилади.
6. Ўнг қўл билан ичилади.
7. Уч марта бўлиб-бўлиб нафас олиб ичилади.
8. Идишнинг ичига нафасини урмайди.
9. Ўтирган ҳолда ичади.
10. Сувни симириб ичади.
11. Ўта тўйиб кетадиган даражада ичмайди.
12. Сув идишнинг оғзидан ичмайди.
13. Идишнинг учган жойидан ҳам ичмайди.
14. Ичимликни ичиб бўлганидан кейин ҳамд айтади.
15. Сувни ичиб бўлган одам бошқа кишига бермоқчи бўлса, ўнг тарафидаги одамга узатади.
16. Тилло ва қумуш идишларда таом еб, ичимлик ичиб бўлмайди.

*Шу ерга келганда «Риёзус солиҳийн шарҳи» китобининг иккинчи қисми тугади.*

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



